

МУНОСАБАТ



ОҚ ПАХТАМИЗНИ “ОҚЛАШ” ОСОН КЕЧМАДИ

Яқинда АҚШ Меҳнат ва зирлиги Ўзбекистон пахтаси ва нундан тайёрланган маҳсулотларга қўйилган чекловлар бекор қилинишни эълон қилди. Бу биз учун яна бир катта кадам, катта ютуқ бўлди. Унутмаслик лозимки, бу натижаларга эришиш осон кечмади.

Кейинги йилларда Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси ва ташаббуси билан ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасида олиб борилаётган тизимли ислохотлар натижасида мамлакатда болалар меҳнатидан фойдаланиш каби салбий ҳолатларга батамом чек қўйилди. Давлатимиз томонидан ушбу йўналишда жиддий сазъ-ҳаракатлар амалга оширилиб, соҳага оид қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг меҳнат соҳасида ҳуқуқий онгини ошириш, жамоат назоратини таъминлаш, қонунга нисбатан ҳурмат ҳиссини ва ҳуқуқий билимларини кучайтириш, бу орқали болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик тадбирлари олиб борилди.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистонда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат батамом тугатилгани тўғрисида айтиб ўтганди.

Мамлакатимизда мажбурий меҳнатга ва болалар меҳнатидан фойдаланишга барҳам бериш борасида олиб бораётган сазъ-ҳаракатларимиз хорижлик экспертлар, жаҳон ҳам-жамиати, ХМТ, Жаҳон банки ва Европарламент томонидан юқори баҳоланди ва эътироф этилди.

Халқаро стандартлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўйган шахсларга нисбатан маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик чоралари белгиланди.

Ўтган давр мобайнида Президент фармони билан ташкил этилган Одам савдосига қарши курашиш ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш миллий комиссияси томонидан бу борадаги ишларни мониторинг қилиш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича мониторинг ишлари ташкил этиб келинди. Мониторингнинг ўтказишдан асосий мақсадлардан бири – пахта йиғим-терими ишларида 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг, ўқувчи ва талабаларнинг, бюджет ташкилотлари ходимларининг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистонда болалар меҳнатига йўл қўймаслик борасида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган самарали механизмлардан яна бири таълим билан бир қаторда болаларнинг бўш вақтини ташкил этиш борасидаги юксак эътибор ва унинг натижасидир.

Миллий қонунларимизда болалар меҳнатига йўл қўймаслик, уларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, касбга тайёргарлиги, соғлом турмуш тарзи асосида вояга етишлари борасида бир қатор нормалар мавжудки, улар болаларнинг бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар ва яратилаётган имкониятлардан тўлақонли фойдаланишлари учун ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус доирасида ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш орқали мактаб ёшидаги болаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, иқтидорини қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада кўзи ёниб турган бахтиёр ўғил-қизлар тўлақонли билим олишлари, ҳар томонлама камолга етишлари учун яратиб берилган шароитлардан мамнунлигини, Ўзбекистон ҳақиқий маънода бахтиёр болалар мамлакатини эканини ўз ютуқлари орқали исботламоқда.



Мадина БАРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси



ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ: ТАРИХИЙ САҒАР, ТАРИХИЙ ВОҚЕА ИККИ ДЎСТ ДАВЛАТНИНГ ҲАМКОРЛИГИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга икки кунлик расмий ташрифи сермахсул бўлди.

Ўзбекистон – Венгрия муносабатлари 2021 йилда стратегик шериклик даражасига кўтарилгани чинакам тарихий воқеа бўлди. Бу халқларимизнинг кўп асрлик дўстлиги ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бугунги ривожига тўлиқ ҳамоҳангдир.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили 29 – 31 март кунлари Венгрия Бош вазири Виктор Орбан расмий ташриф билан мамлакатимизга келган эди. Уша учрашувда эришилган келишувларга мувофиқ Ўзбекистон – Венгрия муносабатларида янги саҳифа очилди. Турли даражадаги мулоқотлар фаоллашди, самарали сиёсий мулоқот ва парламентлараро ҳамкорлик йўлга қўйилди, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга ошириляпти, маданий-гуманитар алмашинувлар кенгайяпти.

Будапештдаги “Кармелита” саройида Шавкат Мирзиёев ва Виктор Орбан ўтказган музокара давомида Ўзбекистон-Венгрия стратегик шериклигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Айниқса, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма инвестиция лойиҳаларини, шу жумладан, саннат кооперацияси орқали амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш қарийб 3 баробар ошиб, ушбу салмоқни янада кўпайтириш учун барча имкониятлар мавжуд. Бунда Ўзбекистон Евроиттифоқнинг “GSP+” аъзоси макюмига эгалиги ҳам қўл келади.

Шу ўринда ривожланиш стратегиялари диверсификация ва индустриаллашувга қаратилгани билан икки мамлакат иқтисодиётлари бир-бирига ўхшашлигини таъкидлаш жоиз. Томонлар ўзаро имтиёз ва преференциялар тақдим этиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича қўшма қувватлар яратиш ва шу орқали МДҲ, Шарқий ва Жанубий Осиё ҳамда Яқин Шарқ бозорларига чиқишга интилади.

Фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, электротехника, машина-созлик, рақамлаштириш, транспорт ҳамда илмий тадқиқотлар ҳамкорлик учун истиқболли йўналишлар бўлиб, тадбиркорларимизга фаол яратилган кенгайтиришга асослади.

Икки мамлакат етакчилари долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳам муҳокама қилдилар. Халқаро тузилмалар, шунингдек, шу жумладан БМТ, ЕХТТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва

бошқалар доирасидаги ҳамкорлик масалаларига тўхталиб ўтилди. Венгрия Бош вазири шу йилнинг ноябрь ойи Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитида иштирок этиши мақсадида Самарқандга ташриф буюришини тасдиқлади.

Икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибдаги музокарада сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестицион ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Келажакда ўзаро савдо ҳажмини 500 миллион долларга етказишга келишиб олинди.

Икки томонлама келишувлар қишлоқ хўжалиги, транспорт, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, электротехника, сувни тежаш ва саннат соҳаларидаги кооперацияга янги кучли суръат бағишлаши шубҳасиз. Устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун қўшма фонд тузилиши яна бир хушхабар бўлиб, иқтисодий ҳамкорликни янада кучайтиришга хизмат қилиши турган гап. Будапештда мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхонаси очилиши эса ташкилий чора-тадбирларни амалга оширишни кулайлаштиради.

Олий даражадаги музокарадан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Виктор Орбан Ўзбекистон Республикаси ва Венгрия ўртасидаги стратегик шериклини ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнотни имзолади. Шунингдек, икки мамлакат ҳуқуқматлари, вазирлик ва идоралари даражасида 2023-2024 йилларда саннат кооперациясини ривожлантириш бўйича қўшма дастур; Фан ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар режаси; Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ҳаракатлар режаси; Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим; Фанни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим каби жами 15 та ҳужжат имзоланди.

Божхона, адлия, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги, узумчилик, инвестиция соҳаларида, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви академияси ва Венгрия Давлат хизмати университети, Самарқанд вилояти ва Хайдубихар округи, Халқаро муносабатлар ахборот-таҳлил маркази ва Ташқи ишлар ва савдо институти, Тошкент давлат аграр университети ва Венгрия қишлоқ хўжалиги ва табиий фанлар университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида имзоланган меморандумлар ҳам эришилган келишувлар кўламини кўрсатиб турибди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон – Венгриянинг тобора ривожланиб бораётган ҳамкорлиги икки мамлакат халқлари фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

УШБУ СОНДА:

ТАРБИЯ БИЛАН БУГУН БИЗ ШУҒУЛЛАНМАСАК... 3 ЭРТАГА ЎЗГАЛАР ШУҒУЛЛАНИШАДИ

ЎЗБЕК ТИЛИ – ВАТАН ТИЛИ 5



ЎТХ “STOP”: ҲАЁТ БАРИБИР ШИРИН! 6

ТҶҲАТ

ЭЛ ИЧРА БҮЛ, АММО ЮРАГИДА БҮЛ

ёхуд Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари, "Дўстлик" ордени соҳибаси Мавлуда Хўжаеванинг умр йўлларига бир назар

Лўқмони ҳакимдан сўрадилар:
– Энг яхши суҳбатдош ким?
У жавоб берди:
– Энг яхши суҳбатдош – тинглашни истаётган одамга тинглаш, гапиришни истаётган одамга гапириш, англашни истаётган одамга эса англаш вазиятларини яратиб бера оладиган кишидир.

Мавлуда Хўжаева бундан салкам қирқ йил бурун Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия институтини (ҳозирги Тошкент давлат тиббиёт педиатрия институтини) муваффақиятли битирган, эртамеъна эгалари бўлмиш болажонлар саломатлиги йўлида ҳалол хизмат қилмоққа киришди. Сўзимиз исботи билан бўлсин, мана, унинг меҳнат фаолиятига эътибор беринг-а: Қўқон шаҳридаги болалар шифохонаси врач-педиатри (1985–1989), Гўдаклар уйи врач-педиатри (1989–1991), сўнг бош шифокори (1991–2000), Қўқон шаҳар ҳокимининг оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари бўйича ўринбосари (2000–2004)...

Кейин бошланди янада жиддийроқ вазифаларга масъулик. Кам эмас, кўп эмас, 11 йилча Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси бўлиб ишлади. 2015 йилда эса элдошлари ишонч билдириб, Мавлуда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди. Кейинги сайлов(2018)да иккинчи марта юксак ишонч билдирилди. Энди янада масъулиятли вазифа, яъни Парламент куйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси сифатида хизмат қилмоқда.

– Инсонларни тинглаш, кўнглига қараб ва йўл топишни раҳматли онажоним Софийхон Акбархон қизидан ўрганганман,



– дейди Мавлуда опа биз билан суҳбатда. – Қалбга йўл унинг соҳибини тинглашдан бошланади, сабрли тингловчи бўлмасангиз ҳамсуҳбат ҳам, ҳамдард ҳам бўлолмайсиз. Бундай фазилати бўлмаган киши ўзини инсон санамасин, дерди мудом.

Ўзи ҳам бунга қатъий амал қиларди. Биз 6 нафар фарзандни дадажоним Исроҳон Раҳимов билан бирга оқ ювиб, оқ таров парвариларди. Меҳрибон, лекин қаттиққўл эди. Гапларини икки қилолмасди. Уқувли, ҳамма иш қўлларидан келарди. Уқитувчи бўлса-да, пазандалик, тикувчилик, тўқувчилик билан бирга кўп китоб ўқирди, чиройли қироат қиларди. Соҳир овозларидан биз-ку биз, ҳатто бутун яйпанликлар сеҳрланарди. Кишлоғимиздаги бирор тadbир ёки маросим у кишининг иштирокисиз ўтмасди. Кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан дам-бадам хабар олишни қанда қилмасди. Ана шундай савобли омушларни адо этиб қайтган, падали бузрукворимизнинг қувонганликларини сўз билан таърифлаб беролмайман. "Ях-

шилиқ қилиш куч беради менга", дея яна бошқа ишлар билан андармон бўларди раҳматли. Айниқса, эътиқоди сустраларга жуда қаттиққўл эди, бундай кишини учратиб қолса, шартта-шартта гапириб ташлар, сустраларидан қутулиш чораларини маслаҳат берарди.

Бизнинг яхши ўқишимиз, дарс қилишимизга жуда эътиборли бўлиб, ҳатто баъзан ёнимизда ўтириб дарс қиларди. Уйга вазифаларимиз кўпроқ бўлса, бошқа ишларни қилдирамасди, ўзлари бажариб кетаверарди. Шу боисданми, биз уч опа-сингил – Махфузахон, мен ва Саодатхон билим юртини олтин медал билан таомиланганми. Ҳаммамиз олий маълумотли, соҳамизнинг усталари бўлиб етишдик.

Дадам онамни жуда эъзозларди. Санаторийларга олиб борарди. Айниқса, Умра ва Ҳаж зиллатларига бориб келганларида вилдамининг қувончларини таърифлашга тилим ожиз. Бизлар ота ҳовлимизга тўплангудек бўлсак, байрам бўлиб кетарди. Уйимиз яқинлиги учун мен доимо ёнларидан бўлардим. Тоблари сал

қочиб қолса, дарҳол мени чақирарди, учиб етиб борардим. Шифохоналарда ҳам ўзим олиб ётардим, иситмада ҳам бандлик фарзларини қолдирмай адо этарди. Афсуски, умр ўлчаб берилган, аввал отамиз 84, сўнг эса онажоним табаррук 90 ёшларидан дунёдан ўтди...

Бугун мен умримнинг олти мишинчи довоида нега буларни эсладим, биласизми? Менинг шу бугунгача эришганларим, барча муваффақиятим, халқ меҳрига сазовор бўлишим, сиёсий жараёнларда фаоллигим, барча-барчасида аввало ота-онамининг ўғитлари, бизга кўрсатган ибратлари, барчасига амал қилиб келаётганим ва оиламининг қўллаб-қувватлаши сабабдир. Уларсиз мен ҳеч кимман аслида.

Сайловчиларим билан бўлган мулоқотларда онамининг панду насихатларига амал қиламан, ўзимни ҳатто у кишидек тутаман. Буни ҳис қилишнинг ўзи менга катта куч беради. Халқнинг муножатларини аввало эринмай тинглайман. Ана шундагина уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва тақлифларини амалга ошириш осонлашади. Шундагина улар биздан рози бўлади, ана шунда улар яна фикрларини тортинмай айтидиган ёки парламент эшигини қоқиб, дадил кириб кела оладиган бўлишади.

Умр оқар дарё, энди ўзим ҳам ўша ўғитларни фарзанду аржумандларимга такоррайман. Шукрки, икки қиз ва бир ўғлим ҳам бугун эл хизматида, савобталаб ишларга бош-қош. Дарёдек ўтиб бораётган умр йўлларимни таҳлил қилар эканман, ўйлайманки, ортда қолган ва қаршимда кутиб турган қувончли воқеалар, кечмишлар, халқнинг, сайловчиларимнинг ишончи, меҳр-муҳаббати мени янада юксакликларга ундайверади, куч беради, қувват бағишлайди. Бундай умидбахш қўллаб-қувватловлар менга ҳар доим мадад ва қанот бўлаверади.

"XXI asr" мухбири
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА
ёзиб олди.

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлинимаси билан "Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид давлат дастури"да белгиланган вазифалар ижроси юзасидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси вакиллари, партия Тошкент шаҳар кенгаши ва "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлинимаси мутасаддилари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман кенгаши депутатлари, партия фаоллари, экспертлар, ишчи гуруҳ аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тadbирда "Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йил – Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширишга оид давлат дастури"да белгиланган вазифалар ижроси юзасидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, давлат дастурининг ижроси юзасидан жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишнинг ҳуқуқий асослари, белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши депутатларининг самарали иштиро-



ки тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Тadbир иштирокчилари мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди, тақлифлар беришди ва галдаги аниқ вазифалар белгилаб олинди.

О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

ЖАРҚҮРҒОНДА ЯНГИ БПТ ОЧИЛДИ

Мамлакатимизда хусусий тиббиётга шароит яратилгани натижасида чекка ҳудудлар, хусусан, туманларда ҳам замонавий клиникалар кўпаймоқда. Ана шундай тиббиёт масканларидан бири Жарқўрғон туманида ҳам фаолият юритаётир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хаитовнинг Сурхондарё вилоятига сафари мана шу мавзидан бошланди. Партия лидери Жарқўрғон туманида иш бошлаган "Istiqbol med centre" клиникасида яратилган шароитлар билан яқиндан танишиб, у ерда стационар тарзда даволанаётган беморлар билан суҳбатлашди.

10 миллиард сўм маблағ асосида барпо этилган ушбу клиника шу йилнинг январь ойида иш бошлаганди. Муассасида болалар ва катталар учун 7 турдаги тиббий хизмат кўрсатилади. Замонавий диагностика ускуналари ўрнатилган, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

Партия раисининг маъмур клиникада фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари билан учрашувида жорий йил 14–16 сентябрь кунлари бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити ва унда кўтарилган муҳим сиёсий масалалар ҳақида тушуначчилик, фикр алмашилди. Саммит доирасида халқаро масалаларда, хусусан, тиббиёт йўналишида йўлга қўйилган ҳамкорлик, давлатларнинг ўзаро тажриба алмашишуви борасидаги келишувига ҳам тўхталиб ўтилди.

Учрашув якунида партияга аъзо бўлиш истагини билдирган клиника ходимларига аъзолик гувоҳномалари топширилиб, янги бошлангич партия ташкилоти тузилди.

О'zLiDeP Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот хизмати

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Бу ҳақда неча ўн йилларки, гапиряпмиз, ёзаяпмиз, бонг уряпмиз. Лекин натижа-чи? Нега ўзгарди кам? Йил сайин бу борада қувонч ўрнини нега ташвиш эгалламоқда? Биз эса ҳамон таълим бирламчиси ё тарбия, дея тортишиб ётибмиз. Катталар ёшлардан, ёшлар бўлса катталардан нолийвериб, вақтни, фурсатни бой беряпмиз. Хўш, нима қилиш керак?

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистондаги ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, ўсиб келаётган навқирон авлодни ёт-ғоялар ва мафқуравий хуружлар таъсиридан ишончли муҳофазалаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун бу борадаги ишларни янада юқори даражага кўтаришда дастуриламал бўлаётгани ҳам бор гап.

Маъмур қонунда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, жамоатчилик институтларининг вазифалари аниқ белгилаб берилган. Самарадорлиқни таъминлаш нуктаи назаридан жамоатчилик назорати масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Тўғри, бугун мамлакатимизда ёшларнинг ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён этмоғи учун барча шароитлар яратилган. Бироқ глобаллашув жараёни шиддат билан давом этаётган, турли курашлар авж олган таҳликали замонда ота-оналар, маҳалла, устоз-мураббийларнинг янада хушёр ва огоҳ бўлиши сув ва ҳаводек зарур эҳтиёжга айланди бугун.

Ёшларни нафақат фаол, балки юқоридаги каби таҳдидларга қарши тура оладиган билимдон, юксак маънавиятли қилиб тарбиялаш ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Бунинг учун ёшлар билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечишда амалий ёрдам кўрсатишимиз, айниқса, уюшмаган қатлам билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Бу вазифани самарали амалга оширишда эса асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой меросига таяниш катта натижа бериши аниқ.

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси "Ёшлар қаноти" барча таълим муассасалари ўқувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш мақсадида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Жумладан, О'zLiDeP ишбилармонлик кўникмаларини ўз-

ТАРБИЯ БИЛАН БУГУН БИЗ ШУҒУЛЛАНМАСАК... ЭРТАГА ЎЗГАЛАР ШУҒУЛЛАНИШАДИ

лаштириш, замонавий ахборот-компьютер технологиялари, интернет хизматида, миллий ва хорижий ахборот-кутубхона фондларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, сервис ва қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасидаги инновацион лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Бу эса Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган умумхалқ ҳаракатида ёшларнинг қудратли тўқин бўлиб майдонга чиқишида пойдевор бўлиб хизмат қилди.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, буюк аждодларимиз эришган оламшумул ютуқлар замирида, аввало, она Ватанга хизмат қилишдек олижаноб мақсад муқассам эканини кўраимиз. Масалан, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улугбек сингари улўғ алломалар, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби шоир ва мутафаккирлар, Абдулла Авлоний, Фитрат, Абдулла Қодирийдек маърифатпарварлар машҳур илмий кашфиётларини, ўлмас бадий асарларини айнан навқирон вақтларда яратганларини ҳаммамиз яхши билемиз ва бу билан фахрланамиз ҳам ҳатто. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, неча асрларки, туманимизда улуғларимизнинг қони оқпти, уларнинг муносиб ворислари бўлишимиз шарт, деган широбон ваъдаларимизни қай даражада оқляяпмиз? Мақтанмиш, фархланмиш ўз йўлига, лекин бугун кечаги давр эмас, техника, интернет, глобаллашув жараёни яшин тезлигида ўзгаряпти. Дунёга Ўзбекистон номини танитаётган, байроғини баланд кўтараятган авлоддан умидимиз катта. Демак, мамлакат раҳбари қайта-қайта таъкидлаётган таълим масаласига давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида катта эътибор қаратилаётган бир пайтда тарбияга ҳам ана шундай муносабат шаклланоғи шарт.

Бугун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этган ҳолда, мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлида улкан қадмлар қўйилмоқда. Бу борада мутлақо янгича шакл ва мазмундаги Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизими яратилганини таъкидлаш лозим. Ушбу мактабларда таълим олаётган қўллаб-қувватловчи нуфузли халқаро танловларда юқори натижаларни қўлга киритишяпти.

Парламентларо иттифоқнинг Бош котиби Мартин Чунгонг мамлакатимизга ташрифи чоғида таъкидлаганидек, сайёраимиз аҳолисининг ярмидан кўпини 30 ёшгача

бўлган инсонлар ташкил этса-да, бутун дунё бўйича ёш депутатларнинг улуши 2,6 фоизга етмайди. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 6 фоиздан ошган. Бу – катта эътироф, албатта.

Парламентларо иттифоқ кўмағида "Биз парламентда ёшларни қўллаб-қувватлаймиз!" деган эъгу ташаббусни амалга оширамиз. Ушбу тизим асосида сиёсий етук ва фаол йигит-қизларни миллий парламент ва маҳаллий кенгашлар фаолиятига янада кенгроқ жалб этамиз.

Халқ депутатлари кенгашлари тавсияси асосида ғайратли, фидойи ўғил-қизларимиз Олий Мажлис депутати ва сенаторларига бириктирилди. Шу билан бирга, Президентимиз ташаббуси билан маҳаллий кенгашларда Сенат ва Қонунчилик палатасидаги каби ёшлар парламенти вакиллари мактаби ташкил этилди. Иқтидорли ёшлар орасидан янги авлод захира кадрлари – "Келажак лидерлари" шаклланди.

Барчамизни жиддий ўйлантираётган, ташвишга солаётган яна бир кечиктириб бўлмайдиган масала бу – эртамеъна эгалари бўлган ёшларимизнинг тарбияси, яъни одоб-ахлоқ, маданий савияси билан боғлиқ. Табиийки, бу борада ҳам амалий ишлар давом этияпти. Аммо булар ҳали етарли даражада эмаслигини очиқ тан олишимиз лозим. Олдимизда турган қўлидаги муҳим жиҳатларни ҳам унутмаслигимиз керак.

Аввало, ёшлар ўртасида китобхонликни, мутлола маданиятини янада ривожлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Зотан, ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, оилавий ажралишлар, бузғунчи ва радикал оқимлар таъсирига тушиб қолганлари ҳозир ҳам давом этаётганини яширишга ҳоҳят йўқ.

Фарзандларимизга мутлақо ярашмайдиган, бизга иснод келтирадиган бемани воқеаларга гувоҳ бўляпмизки, улардан ҳам кўз юммаслигимиз лозим. Масалан, халқимизнинг муқаддас қадриятлари, анъаналарига эид қилиқларни ижтимоий тармоқларда кузатаяпмиз. Табаррук қадамжоларга беписанд муносабатда бўлаётган ёки улўғ боболаримизнинг қадамжолари, ҳайкалларини калака қилиш ҳолатлари учраётганини кўряпмиз-ку!

Болаларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ёки уларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш нақадар зарур эканини қайта-қайта таъкидлаш шарт эмас деб ўйлайман. Навқирон авлоднинг онги, тафаккури-



Ғайрат АБДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
О'zLiDeP фракцияси аъзоси

ДЕПУТАТ РАҲМАТ ЭШИТЯПТИМИ?

Демак, ишляпти

Одатда депутатлар ҳақида гап кетса, уларнинг кундалик фаолиятдан, амалга ошираётган ишларидан беҳабар кимсалар энсаси қотиб, қўл силтаб қўя қолишига кўп бора гувоҳ бўлгансиз.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Улар ўз сайловчиларининг ишончини шунчалик йўқотди-ми?

– Барча депутатларни “битта қарич” билан ўлчаш нотўғри, – дейди О‘зЛиДеР Жиззах вилоят кенгаши сиёсий таълим ва депутатлик гуруҳлари билан ишлаш бўлими мудири Зайниддин Эшқулов. – Бугунги кунда депутатлар зиммасига жуда катта масъулият юкланган. Худудларда кечаётган халқчил ислохотлар жараёнини уларнинг иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Айни пайтда ҳаётга жорий қилинаётган ҳар бир дастур, лойиҳа депутатлар тасдиғи билан молиялаштирилади. Маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ҳам уларнинг доимий назоратида туради. Қолаверса, жойлардаги аҳолини қўйиб қўйиб муаммоларни ҳал қилишга уринаётган, кам таъминланган ва ногирон одамларга фойдаси тегаётган халқ ноиблари кўпчиликини ташкил қилади.

Айни пайтда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида жами 145 нафар О‘зЛиДеР депутати фаолият олиб бормоқда. Улардан 26 нафари Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши депутати ҳисобланади. Утган вақт давомида улар томонидан депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатиш мақсадида жами 97 марта мутасаддилар ҳисоботи эшитилди. Худудлардаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш мақсадида тегишли ташкилот раҳбарларига 772 та депутатлик сўрови чиқарилди. Сайловчилар билан 352 марта учрашув ўтказилди. Аҳоли мурожаатларининг ҳеч бири эътибордан четда қолдирилмади. Энг муҳими, уларнинг аксарият қисми ижобий ҳал қилиниб, туман, шаҳар, вилоят кенгашлари сессияларига

жами 30 дан ортиқ масалалар киритилди.

Бу шунчаки ҳисобот учун келтирилган маълумотлар эмас. Ҳар бирининг замирида маслаҳатларимизнинг элим деб, юртим деб қилган саяё-ҳаракатлари, меҳнатлари ётибди. Зотан, мавжуд муаммоларни бартараф этиш осон иш эмас. Айниқса, бу муаммолар йиллар давомида йиғилиб қолган бўлса. Чунки тегишли ташкилотлар “Келгуси йил дастурга кириштириб, албатта, ҳал қиламиз” қабилдаги умумий жавоблар билан кутулишга ўрганиб қолишган. Сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган бу каби иш усули мурожаатчиларни тинчитиш учун ўйлаб топилган аслида.

Жойларда йиллар давомида дастурларга киритилишини кутиб ётган қанчадан-қанча масалалар борлигини кўпчилик яхши билади. Аммо уларнинг моҳиятини чуқур ўрганган, бартараф этиш йўллари яхши биладиган, энг муҳими, элга қайишадиган, қолаверса, ушлаган ерини узадиган, югур-югурдан чарчамайдиган одамлар санокли.

Шу маънода Баҳмал туманидаги “Истиклол”, “Боғшамол” МФЙ худудидаги қишлоқлар аҳолиси, ўз иборалари билан айтганда, “депутатга ёлчишган.”

Наврўз қишлоғидаги 550 та хонадонда 3400 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ худудидан ўтган Шўрбулоқ зовури тўлиши натижасида оқова сув тошиб, томорқаларга, бино ва иншоотларга зарар келтира бошлади. Ушбу муаммога ечим топиш умидида халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О‘зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзоси Гулсанам Қазақовага мурожаат қилишди. Айнан депутатнинг унда-буронлиги, фидойилиги сабаб муаммо ўз ечимини топди. “Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари” ҳавза бошқармаси томонидан 2,2 километрлик зовур тўлиқ тозаланди.

Наврўз ва Мўғал қишлоқлари ўртасида сел йўли ўтган. Иккала қишлоқ аҳоли шу пайтгача ўзаро борди-келди қилиш учун узоқ айланма йўлдан юришга мажбур бўлаётган эди. Ушбу муаммо ечимини ҳам Гулсанам Қазақова



ва халқ депутатлари туман кенгаши депутати Шоҳиста Шонозова саяё-ҳаракатлари билан бартараф этилди. Ҳамкор ва ҳомий ташкилотлар жалб қилинган ҳолда янги кўприк бунёд этилди.

Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгаши депутати Элёр Тўрақуловни сайловчилар яхши танийди. Бунга унинг серғайратлиги сабаб, албатта. Айнан жонқуяр депутат интилишлари билан Шароф Рашидов туманидаги “Хайробоод” ва “Шариллоқ” МФЙ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Жиззахлик фаол депутатлар амалга ошираётган ишлар ҳақида яна анчагина гапириб мумкин. Бироқ, тан олиб айтиш керак, ўз зим-

масидаги масъулиятга бефарқ қарайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Шу ўринда бир ҳолатга эътиборингизни қаратишни лозим топдик. Кўпгина депутатларимиз худудларда истиқомат қилувчи кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки ногирон инсонлар ҳолидан доимий равишда хабар олиб туришади. Уларга баҳоли қудрат ёрдам кўрсатишади. Бироқ буни бошқаларга айтишни эп билишмайди. Пахтакор туманида бўлганимизда депутатлардан бири Мухаббат Уролова ҳақида ана шундай иллик гапларни эшитдик.

– Барака топсин, доим ҳолимиздан хабар олиб туради, қўлидан келган ёрдамни ая-



майди, – дейди тумандаги “Оқ булоқ” маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги Лолазор кўчасида истиқомат қилувчи биринчи гуруҳ ногирони Муқаддас Аҳмедова.

Одамларнинг чин кўнгилдан, меҳр билан айтган бундай миннатдорчилик сўзлари, ишон-наверинг, ҳозирги шиддатли замонда ҳаммага ҳам насиб қилавермайди.

Аслида депутатга берилган энг ҳолис баҳо – сайловчиларнинг самимий эътирофи, аҳолининг розилиги эмасми?!

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

ДЕПУТАТЛИК ЭШИТУВИ

“ПЕНСИЯ” ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ:



ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТ АЛМАШИНУВИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашидаги О‘зЛиДеР депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи Нозим Абдуғаппоровнинг ҳисоботи тингланди.

Таъкидланишича, вилоятдаги 393 минг фуқарога ҳар ойда пенсия ва нафақа тўловлари учун ойлик талабномаларнинг ўз вақтида молиялаштирилиши ҳамда тўлиқ тўланиши таъминланган. Бу мақсадларга Пенсия

жамғармаси ҳисобидан 2 трлн 677 млрд сўм ва Республика бюджетини ҳисобидан 276,6 млрд сўм маблағ ажратилган.

2022 йил 1 январь ҳолатига пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони 378 минг кишини ташкил қилган бўлса, жорий йил 1 сентябрь ҳолатига келиб, ушбу кўрсаткич 393 минг кишига етган. Яъни, пенсионерларнинг умумий аҳоли сонидаги улуши 12 фоиз бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 апрелдаги “Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида асосан жорий йилнинг 1

майидан бошлаб ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари миқдори 12 фоиз оширилган ҳолда янги миқдорларда тўланиши таъминланди.

– Пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Пенсия жамғармасининг тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиб жараёнда ёки банк мобил иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштириш бўйича “Пенсия” дастурий мажмуаси ва барча тижорат банклари ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйилди, – деди Н.Абдуғаппоров. – Пенсия

ва нафақа олувчиларга ҳисобланган пенсия (нафақа) тўғрисидаги маълумотларни телеграм ижтимоий тармоғи орқали билиш учун алоҳида бот амалиётга жорий этилди. Ҳозирда ундан 60 мингдан ортиқ фуқаролар фойдаланмоқда.

Йиғилиш давомида депутатлар томонидан соҳага оид кўплаб саволлар берилди. Таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Мутасаддининг ҳисоботини қониқарли деб топган депутатлар келгусида амалга ошириладиган ишлар юзасидан аниқ чора-тадбирларни белгилаб олдилар.

О‘зЛиДеР Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

ФИДОЙИЛАР

МАШАҚҚАТ ОРТИДА МУВАФФАҚИЯТ БОР

МАМЛАКАТИМИЗДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОХОТЛАР МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.



Асқар ЖОНИЕВ,
Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги “Имкон” фермер хўжалиги раҳбари

Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий қишлоқ хўжалиги технологияларидан фойдаланишни ўргатиш, соҳа эгаларининг ҳақ-хўқуқларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Биз фермерлар учун жорий йил июль ойидаги аномал иссиқ ғўза парваришида жуда ташвишли бўлди. Тунни тонгга улаб, ғўзалар атрофида парвона бўлган ҳолда суғориш, озиклантириш, ишлов бериш ишларини ўз вақтида маромда амалга оширганимиз боис дала-ларда мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдик.

Соҳада кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга инсон сифатида айтаманки, ҳеч бир мавсум осон кечмайди, ҳар йилнинг ўзига яраша табиат инжиқликлари, сув ва бошқа масалаларда муаммо юзага келиши бор гап. Бу жараёнда биз фермерларга ўз маслаҳат ва тавсияларини бериб, агро-техник тадбирларнинг сифати ва самарадорлигини назорат қилишда кўмаклашиб келаётган кенгаш мутахассисларидан миннатдоримиз.

Муваффақиятлар замирида машаққатли меҳнат, чуқур билим ва катта

тажриба ётади. Бизга “Индарам” МЧЖ пахта тўқимачилик кластери томонидан керакли бўлган шарт-шароитлар муҳайё этилган. Уруғлик чигит, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ўз вақтида дала бошига етказиб берилади. Саратоннинг жазирасида ҳам сувдан оқилона фойдаланганимиз, томчилатиб суғоришни йўлга қўйганимиз пайкалларда мўл ҳосил тўплаш имкониятини берди.

Бу йил 32 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан дон ҳосили олиб, ғалла сотиш бўйича шартномани ортиги билан бажардик. Бу борада томчилатиб суғориш ускуналаридан унумли фойдаландик. 21 гектарга чигит экиб, мўл ҳосил етиштирдик. Биринчи теримдаёқ йиллик режани адо этдик. Ҳосилдорлиқни 40 центнердан ошириш ниятидамиз. Бу йилги даромаддан замонавий техникалар харид қилиб, қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўямиз.

Фаолиятимизда муаммолар ҳам йўқ эмас. Агар чигит, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари харид қилиш учун маблағни ўз ҳисобимизга ўтказиб беришса, яхши бўларди. Ана шунда биз истаган жойдан ўзимизга кераклисини арзон нархларда харид қилиш имконига эга бўлардик.

ИМКОНЯТ

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ ФАҚАТ ЭКСПОРТГА

ТУМАНИМИЗНИНГ ЛАТИФСОВУНГАР МАҲАЛЛАСИДА 2019 ЙИЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИМИЗ ТАСАРРУФИДА ЖАМИ 36 ГЕКТАР ЭКИН МАЙДОНИ БЎЛИБ, УНИНГ 24 ГЕКТАРИДА ПАХТА, ҚОЛГАН ҚИСМИДА ЭСА БУҒДОЙ ЕТИШТИРИЛМОҚДА. ХЎЖАЛИГИМИЗДА БОҒДОРЧИЛИК ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНИ ҲАМ ЎЗ КУТИЛГАН НАТИЖАСИНИ БЕРИБ ТУРИБДИ.

Эътиборлиси, бу ерда етиштирилаётган ширин-шакар мевалар, хусусан, шифобахш ўрикнинг 2018 йилда Россияга, 2021 йилда 200 тонна майизнинг Хитойга экспорт қилингани 141 минг АҚШ доллари миқдоридан даромад олиш имконини берди. Экспортбоп маҳсулотлар иқтисо-

диётимиз таянчи экан, бундан кейин ҳам аграр соҳадаги ислохотларга шижоатимиз, ҳалол меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшаверамиз. Кутлуғ сана – Халқаро қишлоқ хўжалиги ходимлари куни муносабати билан соҳанинг барча ходимлари фаолияти ҳамisha бардавом бўлишини тилаб қоламиз.

Азиз РУСТАМОВ,
Бухоро вилояти Вобкент туманидаги “Лазизжон, Амиржон, Рустамжон” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари



Ўзбек тили - Ватан тили

Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эътибор ва садоқатни она Ватанга эътибор ва садоқат деб билишимиз керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

“Ватан – битта, Ер – битта, Она – битта! Битталиги учун ҳам бу нарсалар муқаддасдир” мазмунидаги шеъринг парчани қаердадир ўқиганман. Ҳақиқатан, шундай.

Нақорати “Ватан ягонадир, Ватан биттадир” бўлган машҳур кўшиқни ҳам бот-бот эшитиб, Ватаннинг яққаю ягоналигига иймон келтирамиз. Муқаддас Ватанимиз – жаннатмонанд Ўзбекистон.

Ватан сингари, Ер сингари, Она сингари дунёда яна бир муқаддас нарса бор – бу тил. Ёхуд – она тили. Она ва Ватандек она тилининг ҳам ягоналиги барчамизга маълум.

Бирок... Бу юрда ўзбек тилининг давлат тили мақоми олганига 33 йил тўлди. Мамлакатимиз эса кўп миллатли.

Масалан, мен Фарғона вилоятининг Сўх туманида туғилганман. Миллатим тожик. Ўзбек тили – иккинчи она тилим. Шу юрда туғилиб ўсган минглаб тожикзабонлар учун ҳам, ўйлашмича, худди шундай. Она тилимизни қандоқ севсак, иккинчи она тилимизни шундай ардоқлаймиз. Шахсан ўзим она тилим баробарида ўзбек тилини яхши кўришимни, мен учун бу тил қай даража азият муқаддаслигини баралла айтганман. Бу диёрда, бошқа диёрда, турли шароитлар тақозоси билан кимдир қайси миллатга мансублигини, эҳтимол, сир тутар, лек мен тожиклигимни ҳеч қачон яширмаганман. Бу тожик экан, деб ҳам ҳеч ким бегона кўз билан қарамаган.

Она тилимга меҳр меҳрибон онамнинг аллалари билан жону дилимга жойланган. Эсимни танигандан кейин ўзбек тилининг маълумоти мураккаб бўлганда ҳис этганман. Нусрат биби отин номи билан бутун воҳада машҳур бувижонимнинг ёқимли ва дилтортар ғазалхонликларидан баҳра олганман.

Ҳали жуда ёш боламан-у, ёши бир жойга борган бувижоним доимий ҳамроҳиман. Вақт алламаҳал. Ётибман у киши солиб берган ўринда, лекин бе-

дорман. Китоб ўқийдилар бувижоним. Бир нима тушунмасам-да, роҳат қилялман хушоҳанг қироатдан. Кўп эшитганимдан ёд бўляпти айрим мисралар...

Ушанда асосан Қул Хожа Аҳмад (Яссавий) ҳикматлари, Шоҳ Машраб ғазаллари, Увайсий қасидалари садо берар экан-да бувижоним кулбага ўхшаган пастак уйда. Лекин мен ўзга жаҳонда эдим бамисоли. Маза қилардим. Дилни яйратувчи замзама-ю, гўзал тараннум, юксак маъноли хонишларнинг таъсиридан, албатта.

Янгикўрғону Олқордан, Яйпану Қўқондан уйимизга меҳмонлар келарди. Бувиимга ўхшаган отин аялар. Диний суҳбатлар баробарида ғазалхонлиги қасидахонлик авжига чиқарди. Мен эса бадияят кечасининг жаржи тингловчиси эдим. Бир нима тушунамани-йўқми, аҳамияти йўқ. Ёш бола ёқимли мусиқани берилиб эшитганимдай, уни қулоғим билан тинглардим Навоийи Бобурни, Лутфийи Фурқатни...

Шу-шу, ҳали мактабга чиқмаган кичкинтой ғазалхонлик кечаларида иштирок этавериб, айрим ғазалларни ёддан ўқийдиган бўлдим денг. Ўзбек тили ва адабиётининг нафосати тожик боласининг кўз олдида худди назокат дунёсидаги гўзалликни намойиш этгандек гўё.

Тўқсонинчи йиллар ўрталарида Фарғона шаҳрида мактаб ўқувчилари иштирокида адабий тадбир бўлиб ўтди. Сўхлик ўқувчи бола берилиб шеър ўқиганида урта ёшлардаги бир аёл саҳнага чиқиб, уни бағрига босди, юзидан ўпди. Залга юзланиб шундай деди:

– Олтимишинчи йиллар ибтидосида биз Сўхта яшаганмиз. Мен бошланғич таълимни тожик мактабидан олганман, болалигимдан юрагимга ошно тожикча ифодаларни тинглаб, ҳаяжонланиб кетдим...

Аёл (у собик “Сўх” давлат хўжалиги директорининг қизи экан) сўзини тугатолмай, кўзларида ёш билан бола-ни яна бағрига тортиди. Узоқ вақт кўйиб юбормади. Бу муҳаббат – ўзбек аёлининг тожик тилига (тожик боласига) бўлган меҳри нимадан далолат?

Ўзга тилни ҳам худди ўз она тилин-

лингдай, бошқа халқ фарзандини ҳам худди жигарбандингдек бетаъма яхши кўришинг мумкинми? Мумкин экан.

У аёл-ку, бир неча йилгина тожикзабонлар орасида яшаган. Меҳр – кўзда. Меҳр – қулқоқда! Бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари-нинг бир умрлик Ватани – жонажон Ўзбекистон. Улар ўзбек тилини нега худди ўз она тилидай севмаслиги, эътиром кўрсатмаслиги керак?!

Она тилимдаги каби ўзбек тилининг ҳам ҳар сўзу ҳар иборасида таъм бор, ранг бор, ҳид бор, ҳарорат (шунингдек, мазмун, маъно, моҳият) бор. Ўзга миллат вакили ўзбек тилининг ўзига ҳос жиҳатларини – бой ва бетакрор дунёсини англаши ва кудрату гўзаллигини ҳайратланиши учун юрагида муҳаббат бўлиши керак: шу халққа нисбатан, шу юрда нисбатан.

Ўзбек тили ўзбек халқининг она тили, айна чоғда, ДАВЛАТ ТИЛИ ҳамдир. Бошқача айтганда, ўзбек тили – Ватан тили. Ватанимиз тили! Бу тил шу юрда умрғазаронлик қилаётган бошқа миллат ва элат вакиллари-нинг том маънодаги иккинчи она тили бўлмоғи лозим.

Ўзбекистонни она Ватан деб билган ва шу юрда яшайётган турли миллат вакиллари яна нима дейишим мумкин? Узлигини йўқотма, ўз халқингиз дахлдор азалий урф-одат, миллий қадриятлар анъаналарини давом эттир, она тилингни эъзозла ва унинг имкониятларидан унумли фойдалан, шу билан бирга, она Ватанин тилига ҳам эътиборисиз бўлма. Шу диёрнинг фарзанди экансан, хусусан, агар қалам аҳли бўлсанг, зиёли бўлсанг, она тилинги баробарида она Ватанин тилини ҳам улуғлабгина қолмай, қадри-ни юксакка кўтариш йўлида кураш. Бу тил дунёнинг энг бой тилларидан бири бўлгани-ю, луғавий тарихи асарлар давомида Қуръондаги муқаддас калима, ифодаю иборалар билан бойганидан, шунингдек, бу тилда жаҳоншумул асарлар ёзилганидан фахрлан.

Муҳаммад ШОДИЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси

КҮРИК-ТАНЛОВ

“Энг яхши бизнес режа”

хўжакўрсинга ўтказилмаган танлов

Тадбир, танловлар номга-гина ташкил этилмаса, айна мундоо бўлади.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг ёшлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш йўналишидаги “Ўқувчи-талабалар ва ёш тадбиркорларда бизнесни юритиш ҳамда лойиҳа иши бўйича кўникмаларни шакллантириш” танловида “Мен ҳам тадбиркор бўламан” лойиҳаси билан қатнашган Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази томонидан ташкил этилган “Энг яхши бизнес режа” кўрик-танловининг республика босқичи ҳам шунчаки ўтказилмади.

Ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қизиқишларини кучайтириш, бизнес ташаббуслари, фоялари ва лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш, ишсиз йигит-қизларни бизнес юритиш ва фойдаланиш меҳнат фаолиятига ўргатишга хизмат



қилувчи мазкур танлов қатнашчилари бир-бирдан қизиқ ва фойдали лойиҳаларни тақдим этишди.

Танлов якунида “Science way” мобил иловаси ва интернет сайтини яратиш лойиҳаси билан қатнашган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Миллий тадқиқот университети қошидаги Бухоро табиий ресурсларни бошқариш институти талабаси Ҳусниддин Сафаров I даражали, “Дўппи харита” номли мобил илова яратган 11-синф битирувчиси, тошкентлик Ислам Нигматов II даражали, компютер хизматлари, реклама маркази очиб бўйича бизнес режа муаллифи, Фарғона давлат университети талабаси Муслимиддин Тилаловдиев III даражали диплом билан тақдирланди. Ҳалиларга ҳам диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Истеъодли ёшларни юзага чиқариш мумкин. Бу юрт тараққийотини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Келинг, шу танловнинг 1-урин соҳибни тақдим этган лойиҳага бироз тўхталамиз.

М.ЯРМУҲАММЕДОВА,
лойиҳа раҳбари

ЯШАШ БУ – КУРАШ ДЕГАНИДИР!

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ



...Матлуба Йўлдошева қўли гул ҳунарманд. Унинг бошидан кечган ҳаётий воқеаларни бир эшитинг:

– Асли самарқандликман. Оилада еттинчи фарзандман. Аллоҳ суйган бандаларига синов беради, дейишди, мен ҳам шундайлардан бири эканманми, умуртқа елкамда склероз билан туғилганман. Уша вақтларда дадам ҳам тўшакка ётиб қолгани сабабли мени ўз вақтида даволата олишмаган. Мактаб ёшимга етганда эса Тошкентдаги 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернатга беришган. Бу ерда ота-онам ёнимда эмаслигидан қўйналардим. Уйдагилар билан бирга яшайдиган дугоналаримга ҳавасим келарди.

Интернатни битириб, тузукроқ иш топа олмагач, опам билан бозорда савдо қилдим. Чунки кўп жойларда ногиронларга иш ўринлари йўқ, деган баҳонада паст назар билан қарашади. Мен эса бундай муносабатни қабул қилолмайман. Шунинг учун ҳам доимо олдинга ҳаракат қиламан. Кўп жойларга иш сўраб борсам, рад жавобини беришган. Иш ўрни мавжуд эмас, деб осонгина кутулишарди.

Шу орада турмушга чиқдим. Энди ишсизлик муаммоси ёнига прописка, ижарада яшаш ташвишлари ҳам қўшилди. Бир жойда озгина яшагач, ижара-чи турли баҳоналарни рўқач қилиб, уйни бўшатиб қўйинлар, деб бошимизга келар ва биз яна бошқа жойга кўчишга мажбур бўлардик.

Уша пайтлари тўйхоналарда идиш ювиш, хондонларни тозалаш каби юмушларни бажаришга борардим. 2021 йили “Миллий” телеканалда намойиш этиладиган “Зарб” кўрсатувида чиқдим. Экан орқали мени кўриб қолган депутат Жаҳонгир Тулаганов босяхонага ишга жойлаштиришга ёрдам берди. У ерда китобларни қадоқлардим. Етти ойдан сўнг пандемия сабабли ишлар тўхтаб қолди. Кейин-қайтиса-да, мени қақширмади. Телефон қилсам, иш ўринимиз йўқ, дейишди...

Шу орада аёллар мономаркази томонидан ўтказилган тадбирда қатнашиб қолдим. Унда кўпчилик хунармандлар мен каби хотин-қизларга ҳунар ўргатишар экан. Мен ҳам шу ерда янги устозим Мунирабонудан тақинчоқ ва кўғирчоқлар ясашни ўргана бошладим. Мунирабону ўзи 14 ёшда бўлишига қарамастан, бизга жуда кўп нарсаларни меҳр

билан ўргатди. Ахир айтишадилар-ку: “Устознинг катта-кичиги бўлмайди”. Ҳозирда 6 хил маҳсулот ясаймиз. Уларни бешта давлатга экспорт қиламиз. Мен кўғирчоқ, тақинчоқ ва байроқлар ясайман. Маошим ҳам ёмонмас – ойига камида 3-4 миллион топаман. Яъни қанча кўп маҳсулот тайёрласам, даромадим ҳам шунча кўп бўлади.

Соҳага қизиқишим кундан кунга ортиб бораверди. Мана, аёллар мономарказида тадбиркорлик курсини ўқиб тугатдим. Энди бухгалтерия соҳасида ҳам ўқимоқчиман. Келажакда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман ҳамда ўзим каби имконияти чекланган инсонларга ҳунар ўргатиб, жамиятда ўз ўрнини топишларига ҳисса қўишни хоҳлайман.

Энг катта орзум – бошпанаги бўлиш, шахсий уй сотиб олиш. Тўққиз ёшли фарзандим бор. У дунёда келганда, ишонсангиз, Яратган яна бир синовдан ўтказди. Қисматни қарангки, қизим юрак етишмовчилиги билан туғилди. Ҳаёт мени янада кучли бўлишимни истади...

Ҳозир яшаш учун курашяпман. Албатта, ҳар қандай синов, қийинчиликларни мардона енгишга менда куч ва ирода етарли деб ўйлайман. Бошқа, мен каби ҳаётнинг қутилмаган зарбалари, машаққатларига дучор бўлган юртдошларимга айтар сўзим битта: бу ҳаёт сизу биз учун жиддий имтиҳон, ойнаинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши албатта ёруғ бўлажак. Яшаш бу – жуда катта имконият. Демак, ҳаёт бу – кураш деганидир!..

Ҳокисор, соддадил, курашчан замондошим Матлуба опанинг маҳзун хотираларини эшитиб ўйланиб қолдим. Сабаби, кейинги пайтларда, айниқса, ёшлар ўртасида ҳаётдан нолийдиган, озгина қийинчиликка учраса, тушунулмакка тушиб қоладиган йигит-қизлар камми? Уша кунни бу жасур аёл билан суҳбатлашиб қайтгач, “Зарб” кўрсатувининг айнан Матлуба опа қатнашган сонини топиб томоша қилдим. Кўрсатувининг бир жойи мени жуда таъсирлантирди – яъни “Кредитга уй сотиб олишим мумкин” деган сўзни эшитиб, йиллаб обдоргани...

Тўрт мучаси соғ бўла туриб, ҳеч бир фойдали меҳнат билан шуғулланмай, камига, бошқалардан кўмак кутадиган, тинмай турмушдан нолийдиган кимсалар учун бу оловқалб аёлнинг тақдирини, кечмиши катта сабоқдир.

Гавҳар ЭШОНҚУЛОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси

ТАКЛИФ

Газета ўлмайди-я?!

Анча йиллардан буён дилимдаги гапларимни қоғозга тушириш, ҳикоялар ёзиш ниятим бўлган. Билмадим, сўзлаб тушунтира олманларимни ёзиб ифодамга беришни афзал кўраман. Бунда энг яқин кўмакчим – газета.

Афсус, ҳозир юртимизда газета ва журналларни ўқиш ёшлар тугул, зиёли қатлам орасида ҳам каммайдир. Нашрлар адади, матбуотга султ муносабат шундан дарак.

Яқинда танишларим ва ўзим ўқийдиган муассасадагилар орасида ким қандай нашрларни ўқиши тўғрисида кичик сўровнома ўтказдим, тенгдошларим ва ўқитувчилар фикрини ўргандим. Улардан баъзиларининг фикри “Демак, газета ўлмайди” деган иқроорга ундаган бўлса, баъзи фикрлардан дилим хира бўлди, баъзилари холис қараганда тўғри эканига ишонч ҳосил қилдим.

Мунира Исомиддинова,
ЎЗЖОКУ катта ўқитувчиси:

– Қоғознинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Ҳидини ҳидлаб, ўзини ушлаб кўриб ўқиганга нима етсин! Ижтимоий тармоқларда асоссиз хабар тарқалиши мумкин, аммо матбуот ёзилган ҳар бир жумласига жавоб бера олади. Ўзим ҳам жиддий, долзарб мавзуларни ёритган газет-журналларни имкон қадар ўқиб боришга, эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қиламан.

Олимжон Тўраев,
ЎЗЖОКУ талабаси:

– Тўғриси айтсам, яқин орада газета ўқиганимиз эслай олмаيمان. Чунки ҳамма маълумотларни интернетдан оламан. Ўзим босса ОАВ йўналишида таҳсил олаётганимга қарамай, бир гапни айтмай: бизда матбуот фаолияти қониқарли даражада эмас.



Зулайхо Жуманиёзова,
пенсионер:

– Газета маънавиятни бойитида. Деярли ҳар кунги газета ўқийман. Авваллари, яъни бундан 6-7 йиллар илгари пенсияларимизни почтачи уйга олиб келарди, шу билан бирга, турли газеталардан ҳам ташлаб кетарди. Ҳозир эса ундай эмас. Нашрларни матбуот дўкюнарига бориб сотиб олишга мажбуримиз. Обуна бўлса ҳам, барибир етказиб бериш хизмати қониқарли эмас. Лекин невараларим кўчага чиқиб кетатганда, албатта, газета айтиб юбораман. Асосан, “Шифо-Инфо”ни ўқийман. Кексаларга керакли тавсиялар, турли касалликларнинг олдини олиш, соғлом бўлиш сирлари бериб борилади. Ҳозирги ёшлар газета-журнал ўқимади қўйишди деймаман, лекин уйимдаги ҳолатдан келиб чиқиб айтганим бўлса, деярли ўқиймайди. Чунки уларда телефон, интернет бор-да! Тўғри, бу яхшидир, лекин газетада маънавий озуқа, таҳлил устун. Маълумотлар сараланган, асосли.

Азиз газетхон! Сиз-чи? Сиз сарлавҳадаги бироз ҳадиқли саволимга не деб жавоб берасиз? Фикрингиз мен учун қизиқ...

Гулшаноӣ АЛИЖОНОВА,
ЎЗЖОКУ талабаси



Шу мавзуда ёзмайман, дедим. Бўлмади. Тахририятимизда илгари ишлаб кетган фидойи бир йигитнинг аёли ва унинг опаси ҳамда яқинда ўн ёшни тўлдирётган ўғли "М-39" трассасидаги Сардоба ҳудудида содир бўлган даҳшатли йТХ қурбони бўлганини эшитиб, ижтимоий тармоқлардаги ноҳус хабарлар орасида "ЙҲХББ хабар қилади" деган ёзувни ўқиш-кўришдан бешиб қолди одам. Нега? Нимага? Қачонгача? Қалбни титроққа солгучи бу каби саволларга ҳамон жавоб йўқ.

Негадир статистикани ёмон кўриб қолганман. Сабаби, инсоннинг яшаш даражаси, саломатлиги ёки эзгу мақсадлар таҳлилига оид рақамлар бўлса майли, лекин фожиа, ўлим, ёвузлик билан боғлиқ ҳолатлар саналган статистикани кўрарга кўзим йўқ. Масалан, йТХлар... Тасаввур қилинг, бир кунда ер юзиде 3 500 одам йўлдаги ҳалокатлар қурбони-га айланар экан. Бир йилда қарийб 1 300 000 киши дегани бу! Устига-устак 50 млн. инсон турли даражадаги жароҳатларга дучор бўлар экан...

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таъшишли таҳлилига эътибор беринг: йТХлардаги ўлим кўрсаткичининг юқориқроқ фоизи ривожланмаган давлатлар ҳисобига тўғри келаётгани кузатилмоқда. Яъни, йўлларнинг носозлиги, тиббий хизматнинг ночорлиги, ҳайдовчилар малакасининг пастлиги ва ҳоказо. Хуллас, сабаблар кўп, ечим-чи?

БИРИНЧИ ВОҚЕА

...Ўн беш йилча бурун ўзим яхши танийдиган китоблик учар киракашлардан бири авария бўлди. Машина салонидеги тўрт йўловчидан учтаси фожиа рўй берган жойда ҳаётдан кўз юмган. Уч нафар ёш талаба... Институтнинг иккинчи курсида ўқиётган икки алпқомат йигит ва яна бир қиз пул деса жардан ташлашга тайёр, ўпкаси қозондай ҳайдовчининг шошқалоқлиги қурбонига айланди.

Яқиндан таниганим учун икки оилага таъзия билдиргани бордим. Оталарининг қадди букилган, оналарининг фарёди оламни тутиб ётарди. Хайрлашаётганимда бири ёзғирди: "Бу муттаҳам шофир ҳеч нарса кўрмагандай юрибди қишлоқда. Ҳатто кўнгил сўраганим йўқ. Худойим кўриб турибди-ку!"

Юрагимнинг бир четида нимадир узилди. Кучоқлаб таскин бердим. Орадан кўп вақт ўтмади. Суд бўлди. Ҳайдовчи арзиммаган муддатга озодликдан маҳрум этилди (бу борада ҳозир ҳам ўлим ҳолати рўй берган бўлса-да, жазо чораси кам белгиланаётгани жамоатчиликда турли эътирозларга сабаб бўлаётди).

Сиз балки ўйлаётгандирсиз, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган навқирон ёшларнинг ҳаётига нуқта қўйган бу шумқадам ҳайдовчи қамалиб кетгач, ўз қилмиши учун тавба-тазарру қилгандир, деб. Минг афсуски, йўқ. Нега деб сўранг-да. Тасодиф туфайли ўша шофёр ётган қамоқхонага бориб қолдим. Не кўз билан кўрайки, у орадан бир йил ҳам ўтар-ўтмас манзил колониясига чиққан экан. Мени таниб қолди ва қучоқ очиб кўришмоқчи бўлди. Зўрға қўлимни узатдим. Негаки, унинг ўша мудқиш ҳодисада бевосита айбдорлигини айтиб беришувди. Яъни, ҳалиги талабаларнинг қариндошларидан бири мажақланиб кетган машинанинг

тезлик кўрсаткичи, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, 160 км/соатда қотиб қолганини кўрган экан...

"Тинчликми ака, кўришгингизам келмайди?! Мен нима қилдим сизга? Анави ўлганларга ачинадими? Ажали етган экан, ўлди-кетди. Фалокат-да, айбим нима?!" деса бўладими. Асабим чидамади. "Сен қотилсан, тушундингми, уч кишининг бошига етдинг-ку, нега тавба қилмайсан ҳалиям, тирик қолдим деб хурсанд бўляпсанми энди?" деб юбордим. Пинаганиям бузмади ва кўлини сарак-сарак қилиб сўқинди: "Яқинда срогим тугайди, борайин, яна ёзиб юрганмиш уйдагилари, кўраман ҳаммасини", деди.

Хўш, айтинг энди, бундай одамқушлар сизу биз билан шу осмон остида қандай яшаб юрибди? Энг даҳшатлиси, ана шу киракаш ҳозир ҳам такси суряпти. Энди битта эмас, икки-учтадан машинаси бор. Бировни одам ўрнида кўрмайди...

ИККИНЧИ ФОЖИА

Газетаимизнинг ушбу саҳифасидаги таъзияномани ўқинг: эндигина 40 ёшга кирган аёл ва 3-синфда ўқиётган болажоннинг айби нима эди?

Ҳамкасбларимиз Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманига фотиҳага бориб келишди. Кўнгиллари эзилиб дейишди: "Шухратжонни таний олмадик, ака! Куйиб адоий тамом бўлибди. Нуқул йиғлайди. "Энди бу дунёда қандай яшайман?! Аёлим, ўғилгинам менинг, қайларга кетдингиз, бизларни ташлаб? Икки қизимнинг ҳам кўз ёшлари дарё бўлиб оқяпти", дейди зор қақшаб".

Кеча ўзи билан телефонда гаплашдим. Зўрға гапиряпти. "Тўйга боришувди она-бола. Қайтишда опасингил ва ўғлим машинанинг орқа ўриндиғини банд қилишибди. Олд ўриндиқда эса яна бир аёл ўтирган экан.

Пешиндан кейин Тошкентга жўнашган. Шу орада телефон қилиб сўрадим. Ярим йўлга етишган экан. Кейин..."

Ўпкаси тўлиб, гапиролмай қолди. Далда-таскин берман. Қайда, дунёга сиғмай кетяпти аламдан. Хўрсина-хўрсина ўзини ўнглаган бўлди. "Анави ўлган таксист бор-ку, туманимиздаги бир ошхонада офисиант бўлиб ишлаб юрган экан. "Права" олганига энди бир йил бўлган экан. Менимча, ухлаб қолган ва катта трассанинг чеккасида тўхтаб турган юк машинаси остига кириб кетибди. Таксидеги беш кишиям..." Нафаси етмай қолди, бошқа тафсилотларни сўзлашга.

Қани, айтинг, бу кўргилик ўз-ўзиндан рўй бердими? Албатта, йўқ. Ушбу йТХ қурбонлари бегона эмас, бир ҳамкасбимизнинг жигарбандлари эди. Уларнинг айби нима?

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: йТХ содир этиб, инсонлар ўлимига сабабчи бўлган ҳайдовчиларга тегишли тартибда жазо белгилашда қачонгача инсонпарварлик қиламиз? Оғир фожиали ҳолатда айбдорларни умрбод транспорт бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш кераклиги ҳақида ҳам жиддий ўйлаб кўриш вақти келмадимми?

Ҳар куни гувоҳи бўляпмиз. Шаҳар-туман марказларини кўяверинг, ҳозир айрим йирикроқ қишлоқларда ҳам туну кун гавжум норасмий "питак" – бекатларда мижоз талашаётган киракашларнинг руҳий ҳолатини бир кузатинг. Аксарияти асабий, жаҳлдор ва пул учун бир-бирини калтаклашга, хўрлашга тайёр мазкур тоифа фаолияти (қонунийми, ноқонунийми, бу алоҳида мавзу) билан ким қизиқяпти? Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини қайси идора ҳимоя қилади? Ўз ҳолига ташлаб қўйилган ва нуқул "стоянка" – автотураргоҳларда мўмай пул ундириш билан шуғуллана-

ётган гуруҳлар қачон назоратга олинади? Киракашлик, албатта, савобталаб иш, аммо шу масъулиятли вазифани фақат пул топиш манбаи сифатида тушуниш яхшиликка олиб бормаётганини кўриб туриб-миз.

Водий ёки воҳа тарафлардан пойтахтга ёки, аксинча, бошқа ҳудудларга йўловчи ташиётган ҳайдовчиларнинг малакасини таҳлил этиш, ёши, тажрибаси, обод-ахлоқини ўрганиш масаласи бугун долзарб эмасми? ЙПХлар, транспорт воситалари ва йўлларнинг техник ҳолати қачон мониторинг қилинган, ким билади?

Ушбу жиддий мавзуга оид манбалар, статистик рақамлар ва ОАВда эълон қилинган материалларни кузатиб, роп-па-роса бир йил аввал "Gazeta.uz" муҳбири Оғабек Самисовнинг "Йўлларда ўлимлар сонини қисқартириш бўйича режалар борми ўзи?" деган таҳлилий мақоласини ўқиб қолдим. Хўш, бу борада ижобий томонга ўзгартиш ёки силжиш борми? Афсуски, йил сайин, ҳатто ой сайин йТХ (ачинарлиси, ўлим ҳолатлари бўйича) фожиали воқеаларни кўпроқ эшитаётганимиз кўнгилни хира қилади.

"GAZETA.UZ" МУҲБИРИ ҚҮЙГАН САВОЛНИ ЯНА ЭСЛАТМОҚ ЖОИС

"Нима учун фавқуллода вазият эълон қилиниб, унга қарши кенг қамровли чора-тадбирлар дастурлари, "йўл хариталари" қабул қилинмайди? Йўллардаги ўлимлар сонини кескин – нолгача камайтиришга қаратилган қарорлар имзоланмайди ва бунинг учун барча кучлар ташланмайди? Кўп йиллардан бери кўриляётган чоралар ва ёндашувлар самара бермаётганини қачон тушуниб, ўлимлар сони ҳар йили фақат 1-2 фоизга камайгани билан қачонгача рози бўлиб ўтираверамиз?"

ЙТХнинг сабаб ва оқибатлари (неча ўнлаб қоидабузарликлар, уларнинг орасидаги энг хавфлилари, малакали ҳайдовчилар тайёрлаш ва ҳоказо) ҳақида тўрт тарафда, интернету жамоатчилик орасида, жумладан, парламент ва маҳаллий кенгашлар, Ички ишлар вазирлиги ЙҲХББда ҳам баҳс-мунозаралар бир лаҳза тўхтагани йўқ. Етарли даражада ишламаётган ёки расмиятчилик учунгина тузилган жамоатчилик кенгашлари фаолияти кўнгилдагидек эмаслиги ёхуд қатор асосли тақлиф ва таҳлиллар инобатга олинмаётгани бу жабҳада ҳали яқуний

хулоса ясашга изн бермаётир. Масалан, ўтган ҳафтада халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши комиссияси пойтахтнинг айрим кўчаларида ҳаракат тезлигини 60 ва 50 км/соатга пасайтириш масаласини сессия кун тартибига киритиш режалаштириляётгани ҳақида хабар тарқалиши биланоқ ижтимоий тармоқларда қанча баҳс-мунозаралар кучайди. Бу ҳам табиий жараён. Ҳар қандай вазиятда ҳам биз учун биринчи ўринда ИНСОН ҲАЁТИ туриши керак-ку!

СЎНГИ СЌЗ ЎРНИДА

Яна йТХлар бўйича тайёрланган шафқатсиз статистика олдида ожиз қолади одам: *Ички ишлар вазирлиги мавлумотларига кўра, 2021 йил давомида Ўзбекистонда 10 001 та йўл-транспорт ҳодисаси расман қайд этилган, 2 426 киши ҳалок бўлган, 9 230 киши турли даражадаги тан жароҳати олган. Энг кўп авариялар 37 ёшгача бўлган ҳайдовчилар томонидан содир этилган. 7 681 та йТХдан 4370 таси айни шу ёшдаги ҳайдовчилар ҳиссасига тўғри келади...*

Яқинда ижтимоий тармоқда бир журналист дўстимиз шундай ҳазилнамо фикрни ёзди: "Эҳтиёт бўлинг, XXI асрда ТошМини тутатган янги дўхтирлар авлоди кириб келяпти". Буни қандай тушуниш ҳар кимнинг дунёқарашига ҳавола. Ўзбекистоннинг янги-эски йўлларида-чи? Қайси аср, қайси даврнинг ҳайдовчилари машина бошқаряпти?



Норқобил ЖАЛИЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси тахририятнинг собиқ ходими Шухрат Раҳимовга турмуш ўртоғи Латофат Раҳимова ҳамда фарзанди Ҳумоюнмирзонинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:
Ақтам ХАЙТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шухрат БАҒОЕВ
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Адхам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ

Сардор МУСТАҒОЕВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан
рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 1051 Адади: 5011
Электрон обуна – 1355
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Топширилди – 21:10

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнерлар



НАШР КўРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАБОРОВ